20___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 119 (119), 2020 йил 30 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ўғил-қизларим!

Барчангизни юртимиз ҳаётидаги қутлуғ байрам — Ёшлар куни билан самимий табриклаб, ўзимнинг чуқур меҳрим ва эзгу тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда азму шижоатли ёшларимизнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида, Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани адо этишда миллионлаб ёшларимиз садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. Сиёсий савияси етук, мустаҳкам фуқаролик позициясига эга юзлаб йигит-қизлар парламентимиз ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг аъзоси сифатида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият идораларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда самарали ишлаётган 227 мингга яқин ёш тадбиркор ва фермерлар, моҳир ҳунармандлар иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Юртимизда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биргина **"Ёшлар — келажагимиз"** дастури доирасида ёш авлод вакилларининг 7 минг 775 та бизнес лойиҳасига 1 триллион 635 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиб, шу асосда 40 мингга яқин янги иш ўрни ташкил этилганини қайд этиш лозим.

Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли ҳудудларда 27 та "Ёш тадбиркорлар" коворкинг-марказлари ҳамда 157 та "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуаларда 2 минг 200 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлагани эътиборлидир.

Шу билан бирга, **"Ҳар бир ёшга — бир гектар"** лойиҳаси бўйича барча ҳудудларимизда 65 мингга яқин ёш деҳқонларга 54 минг 232 гектардан зиёд ер ажратилди.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли сўнгги уч йилда 560 минг 200 нафарга яқин ёш фуқаро иш билан таъминланди.

Бу йил коронавирус пандемияси ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган офатлар бутун эл-юртимиз қатори ёшларимиз иродасини ҳам синовдан ўтказди. Ана шундай оғир вазиятларда минг-минглаб ўғил-қизларимиз чинакам мардлик ва жасорат кўрсатиб, барча тенгдошларига ўрнак бўлдилар.

Хусусан, мамлакатимизда ташкил этилган **"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатининг** асосий иштирокчилари ҳам ёшларимиз экани, Ҳаракат доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 4 минг 500 нафар аъзоси кўнгилли сифатида фаол иш олиб бораётгани таҳсинга лойиқдир.

Сардоба сув омборидаги тошқиндан талафот кўрганларга ёрдам ва кўмак кўрсатиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг хайрия карвони ташкил этилиб, аҳолига кийим-кечак, санитария воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, катта миқдордаги ўқув қуроллари ва спорт анжомлари, бадиий адабиётлар етказиб берилди.

Ўз навбатида, бундай эзгу ишлар Бухоро вилоятининг кучли довулдан зарар кўрган Олот ва Қоракўл туманларида ҳам амалга оширилгани сизларнинг ватанпарварлик ва олижаноблик фазилатларингиздан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, оғир синов кунларида халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиққан Қуролли Кучларимизнинг мард ва матонатли ҳарбий хизматчиларига, жонқуяр шифокорлар, бунёдкор қурувчилар, саховатли тадбиркорларимизга, илм-фан, маданият ва спорт соҳаси вакилларига, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига — барча Ўзбекистон ёшларига чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Ватанимиз, эл-юртимиз сизлар каби фидойи ва жасур фарзандлари билан ҳамиша фахрланади!

Муҳтарам ёш дўстларим!

Бугунги кунда замонавий илм-фан ва юқори технологияларни мукаммал эгаллаш ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи шартига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, биз навқирон авлодимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этмоқдамиз.

Шу мақсадда улуғ алломаларимиз номидаги ихтисослаштирилган мактаблар, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси, Фарғона шаҳрида "Лойиҳалар фабрикаси" фаолияти йўлга қўйилгани, Президент ва ижод мактаблари бўйича дастурларимиз изчил давом эттирилаётгани сизларга яхши маълум.

Иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир ҳудудда Ёшлар технопарклари барпо этишни бошладик. Умумий қиймати 30 миллиард сўмдан ортиқ бўлган "Ёш олимлар" амалий ва инновацион лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Карантин шароитига қарамасдан, 6 миллиондан ортиқ мактаб ўқувчилари, 468 минг талаба ўқув дастурларида белгиланган дарсларни ўз вақтида ва сифатли ўзлаштирди. "Online-maktab" лойиҳаси доирасида 17 та фан бўйича 4 мингдан ортиқ телемашғулотлар ўтказилди. Бу жараёнга энг малакали педагоглар жалб этилди, жумладан, Тошкентдаги Президент мактабининг хорижлик мутахассислари томонидан ҳам маҳорат дарслари олиб борилди. Имконияти чекланган болаларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратилиб, барча дарслар сурдопедагог ва сурдотаржимонлар томонидан тушунтириб борилди.

Ўзбекистоннинг бу тажрибаси ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Бугунги шиддатли замонда, глобал миқёсда рақобат кучайиб бораётган мураккаб вазиятда юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. Шу боис биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Жумладан, кейинги уч йилда республикамиздаги олий ўқув юртлари сони 60 фоизга ошиб, 116 тага етди. Улар орасида нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларига қабул квоталари сони изчил ошириб борилмоқда. Агар 2016-2017 ўқув йилида бу рақам 58 мингтани ташкил этган бўлса, жорий йилда 150 мингтага етади. Яъни, бу йил мактаб битирувчиларининг 25 фоизи олий ўқув юртларида ўқиш имконига эга бўлади. Ҳолбуки, 2017 йилда бу рақам 9 фоизга тенг эди.

Миллат генофондини сақлаш ва давом эттиришнинг муҳим омили бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги уч йилда 2 минг 668 та ёш оилага уй-жой учун 121 миллиард 244 миллион сўм бошланғич тўлов маблағлари 20 йил давомида фоизсиз қайтариш шарти билан тўлаб берилди.

Барчамиз гувоҳмиз — бугун дунё мисли кўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бормоқда. Ижтимоий ҳаётимизда кўплаб ижобий жараёнлар билан бирга, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар ҳам тобора хавфли тус олмоқда.

Бундай мураккаб вазиятда фарзандларимизни зарарли таъсирлардан асраш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ёшларимизни она Ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида бошлаган катта ишларимизни бундан буён ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Айни шу мақсадда юртимизнинг барча вилоят ва туманларида, шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги таълим даргоҳлари, маданият ва санъат масканлари, спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда.

Шулар қаторида пойтахтимизда бунёд этилган муҳташам "Ғалаба боғи", "Шон-шараф" музейи, Тошкент шаҳрининг тарих музейи, бетакрор Адиблар хиёбони фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ёшларимизни жисмоний соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш учун беш муҳим ташаббус доирасида кўплаб стадионлар, сув ҳавзалари, спорт мажмуалари ва саройлари барпо этилмоқда.

Энг муҳими, фарзандларимиз ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиган, соғлом турмуш тарзини ўз ҳаётий мақсадига айлантирган йигит-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Қадрли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуриш йўлида биз бошлаган улкан ишларни давом эттиришга қодир бўлган янги авлод шаклланмоқда.

Азиз ўғил-қизларим, ҳеч қачон унутманг, халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишларни кутмоқда.

Шу муқаддас ишонч ва масъулиятни ҳар томонлама оқлаш, унга муносиб бўлиш — дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай бахт, шундай шараф барчангизга насиб этсин!

Сизларни севимли байрамингиз, азму шижоат, ғўзаллик ва камолот айёми — Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июнь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедовни таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта зафарлар тилади.

Президент Гурбангули Бердимуҳамедов раҳбарлигида замонавий Туркманистон юксак муваффақиятларга эришгани — барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланаётгани, халқаро майдондаги нуфузи муттасил ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транзит ташувлари, туризм соҳаларида янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари чегараолди ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқаларни давом эттириш, шунингдек, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш фикрини қўллаб-қувватладилар.

Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия доирасида ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари коронавирус инфекцияси тарқалишига самарали қарши курашиш мақсадида тегишли идоралар даражасида яқиндан мулоқот ва мувофиқлашувни амалга ошириш муҳим эканини таъкидладилар.

Суҳбат сўнгида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда иккала томон ҳам қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда "Коррупциясиз соҳа" лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

Давоми 2-бетда

30 июнь — Халқаро парламентаризм куни

ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

Бу йил Халқаро парламентаризм куни учинчи бор нишонланмоқда. Байрамни ташкил этиш ташаббуси 2018 йилнинг 22 май куни БМТ Бош Ассамблеясида маъқулланиб, юздан зиёд давлат тегишли резолюцияга қўшилган. Ушбу сана эса, Парламентлараро иттифоқ — парламентлар глобал ташкилотининг 1889 йил 30 июндаги биринчи йиғилиши шарафига белгиланган. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат у ёки бу шаклдаги вакиллик органига эга. БМТга аъзо 193 давлатдан 79 тасида икки палатали ва 114 тасида бир палатали тизим амал қилмоқда. Шундай қилиб, дунёдаги парламентларнинг 272 та палатаси қарийб 46 минг аъзога эга.

Давоми 3-бетда

"Битта корхона фаолиятини тўхтатишига ҳам "фавқулодда ҳолат" деб қаралиши керак. Чунки бу корхоналар қанчадан қанча иш ўринлари, мамлакат ва оилалар даромадини таъминламоқда... Ҳозир синов даври... Тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, мушкулини осон қилиш ва барча зарур шароитларни яратиб бериш ҳозирги пайтда ҳар доимгидан ҳам муҳим".

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЭЪТИРОФИ

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 2021 ЙИЛДА 6,6 ФОИЗГА ЎСИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛМОҚДА

Дунё миқёсидаги иқтисодий фаолиятнинг қарийб барча жабҳалари у ёки бу шаклдаги коронавирус пандемиясининг салбий таъсирига дуч келди. Жаҳон бўйлаб халқаро савдо алоқалари ва таъминот занжирлари узилди, маҳсулот ва хизматларга талаб пасайди, молиявий бозорларда эса хатарлар кескин кўтарилди, ҳозир жаҳон бўйлаб миллионлаб одамлар ишсиздир.

Бундай инқироз ҳолатининг яна давом этиши эҳтимоли юқори, таассуфки, келажакда воқеаларнинг бу тусдаги салбий ривожи борган сари аён бўлиб бормоқда.

БМТ иқтисодчилари жорий йилда жаҳон иқтисодиёти сезиларли пасайишини башорат қилмоқда. COVID-19 пандемияси ортидан дунё кейинги икки йил ичида қарийб 8,5 триллион доллар даромадни бой бериши кутилмоқда.

Пандемия туфайли 2020 йилда 34 миллиондан ортиқ одам қашшоқлик чегарасидан тушиб кетиши мумкин, бу кўрсаткичнинг ярмидан кўпроғи Африка мамлакатларига тўғри келади. Узоқ муддатли прогнозга кўра, 2030 йилга келиб ўта қашшоқликда яшайдиганлар сони яна 130 миллион кишига кўпаяди. Пандемия, айниқса, кам маошли, махсус маҳорат талаб қилмайдиган фаолиятга жалб қилинган одамларга жуда қаттиқ таъсир ўтказди. Натижада, БМТ маълумотларига кўра, дунёда бойлар ва камбағаллар, ҳудудлар ва мамлакатлар ўртасидаги даромадлар тафовути янада кенгаяди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 июнь, 119-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, таш**килотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади** ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг **асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:**

мамлакатда **коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни** таъминлаш, шунингдек, **коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;**

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда **коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;**

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали **жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;**

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда **коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат") ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш** ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, **уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини** тузиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти (**"ҳалоллик вакцинаси"**) ва **манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш** стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги **юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган **Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани** тайёрлайди ҳамда уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи **жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади** ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган **зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни** амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи **Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини** тузишни ташкиллаштиради;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси **ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини** қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

4. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ **материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;**

ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш;**

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни **фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят ишларини қўзғатиш** учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш;**

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;**

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида **кўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши **шарт.**

5. Белгилансинки:

Агентлик ходимларининг таркиби юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Агентликнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозим.

6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий идораларо комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** (кейинги ўринларда — Миллий кенгаш) ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Агентлик Миллий кенгаш фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишни таъминласин.

7. Агентлик уч ой муддатда:

Агентликни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир шахслар орасидан тўлдирилишини;

Агентлик фаолияти ташкил этилишини тартибга солувчи ҳужжатлар пакети, шу жумладан, Агентлик тузилмалари тўғрисида низомлар ва ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганишни қамраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олади.

8. Агентлик:

а) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими ("комплаенс-назорат")ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин;

б) давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни талабларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, шунингдек, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга ошириш тартибини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкини бошқариш ва ундан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати бўйича ўрганиш ўтказсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилланганлик, шу жумладан, харидлар иштирокчиларининг охирги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

9. Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи **"E-Anticor.uz" электрон платформаси;**

коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи **махсус мобиль дастурий таъминот;**

Агентликка давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

икки ой муддатда — **Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтингларда ўрнини яхшилаш бўйича "Йўл харитаси"** ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилишини;

уч ой муддатда — **"Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида"ги, "Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги** қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

уч ой муддатда — **Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича "Йўл харитаси"** ишлаб чиқилишини ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Миллий кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш учун ўрнатилган тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш чораларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликни жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар чоп этилишини ва тематик телекўрсатувлар бериб борилишини ташкил этсин.

16. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИНИ СИНАШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни замонавий, сифатли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ҚАРОРГА МУВОФИҚ:

ҚУЙИДАГИЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИ ҲАМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ СИНАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ:

- ресурс тежайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда технологиялари синовига оид техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва бутловчи қисмларини республика ҳудудларининг тупроқ-иқлим шароитларида самарали қўллаш ва уларнинг ишончлилигини текшириш учун тегишли синовларни ўтказиш;
- соҳани ривожлантиришга кўмаклашувчи инновацион усуллар, дастурлар ва истиқболли ғояларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари ҳамда уларнинг агрегатлари ва қисмларини ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар фаолиятига самарали илмий ишланмаларни кенг жорий этиш;
- қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникалари синовини ўтказувчи лабораторияларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳага юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИНИНГ ЯГОНА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИДАН РЕСПУБЛИКАДА ЭКИНЛАРНИ ЕТИШТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ.

2023 ЙИЛ 1 ЯНВАРГА ҚАДАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМАЙДИГАН, БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ТАСДИҚЛАНАДИГАН РЎЙХАТ БЎЙИЧА ОЛИБ КЕЛИНАДИГАН СИНОВ УСКУНАЛАРИ ВА ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ БОЖХОНА БОЖИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ СОҲАГА ТЕГИШЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АМАЛИЁТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКАЛАРИНИ СИНАШ ҲАМДА СЕРТИФИКАТЛАШ ИШЛАРИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАСИН.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда халқаро молия институтларининг грантлари ва кредитлари ҳисобидан **2020 ЙИЛ 1 ДЕКАБРГА ҚАДАР** мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва давлат синовларидан ўтган импорт қилинган ва республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиорация техникаларининг ягона давлат реестри интеграциялашган ахборот тизимини яратсин.

Европа ва Марказий Осиёнинг 24 та давлатидан фақат Ўзбекистонда 2020 йил натижалари бўйича ЯИМ ўсиши, қолган давлатларда ёки "ноль" ҳолат, ёки пасайиш, айрим давлатларда эса ЯИМнинг кескин пасайиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, мазкур ҳисоботда келтирилган давлатлардан фақат иккитасида 2021 йилда кескин иқтисодий ўсиш кузатилиб (Ўзбекистон ва Албания), мамлакатимизда ЯИМ келгуси йилда 6,6 фоиз ўсиши башорат қилинмоқда.

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ 2021 ЙИЛДА 6,6 ФОИЗГА ЎСИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон банки башоратига кўра, пандемия таъсирида Европа ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари иқтисодиёти 4,7 фоиз пасайиши мумкин. Жаҳон банки ушбу пасайишни йилнинг иккинчи ярми бошида Европа ва Марказий Осиё ҳукуматлари томонидан жорий этилган чеклов чораларини босқичма-босқич бекор қилиш чора-тадбирларидан кутилаётган натижаларга асосланган. Пандемия таъсирини юмшатиш ҳамда савдо ва инвестицияларни тиклашни ўз ичига олган сценарийда 2021 йилда Европа ва Марказий Осиё иқтисодиётлари жонланиб, 3,6 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар Жаҳон банки томонидан беэътибор қолмади. Унинг ҳисоботида Европа ва Марказий Осиёнинг 24 та давлатидан фақат Ўзбекистонда 2020 йил натижалари бўйича ЯИМ ўсиши, қолган давлатларда ёки "ноль" ҳолат, ёки пасайиш, айрим давлатларда эса ЯИМнинг кескин пасайиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, мазкур ҳисоботда келтирилган давлатлардан фақат иккитасида 2021 йилда кескин иқтисодий ўсиш кузатилиб (Ўзбекистон ва Албания), мамлакатимизда ЯИМ келгуси йилда 6,6 фоиз ўсиши башорат қилинмоқда.

COVID-19 пандемияси натижасида Ўзбекистон ҳам иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Жорий йил март ойининг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатда иқтисодий фаоллик, ички ва ташқи талабнинг пасайиши кузатилмоқда. Иқтисодий ўсиш суръатларида асосий омил инвестициялар ва истеъмол фаоллигининг пасайиши бўлди. Шундай қилиб, 2020 йилнинг биринчи чорагида инвестициялар ҳажми 10,2 фоиз, чакана товар айланмаси ўсиш суръати эса 3,8 фоиз камайди. Марказий банкнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, ЯИМ ўсиш суръати 1,5-2,5 фоизгача пасаяди. Туризм, меҳмонхона бизнеси, халқаро транспорт, кўнгилочар, спорт ва эксклюзив хизматлар соҳаларида ўсиш суръатларининг сезиларли даражада камайиши кутилмоқда. Шу билан бирга, олтин нархининг кўтарилиши ва мева-сабзавот экспортининг ошиши давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларга ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ОМИЛЛАР

Пандемия натижасида вужудга келган иқтисодий муаммоларнинг олдини олишга жиддий ёндашув ва ўз вақтида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар иқтисодий кўрсаткичларимизнинг "ноль" нуқтадан пастга тушишига йўл қўймади. Оқибатларни келтириб чиқарувчи омилларга қарши кўрилган кескин чоралар аҳоли ва иқтисодиёт субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга замин ҳозирлади. Жумладан, солиқ ва кредит таътиллари берилиши, солиқ имтиёзлари тақдим этилиши, кредитларнинг қайтарилиш муддатлари узайтирилиши, давлат мулки ижараси бекор қилиниши, аҳолининг кам таъминланган қисмини ҳимоя қилиш доираси кенгайтирилиши каби чора-тадбирларни санаб ўтиш мумкин. Шунингдек, яшил ҳудудларда амалга оширилган қатъий чора-тадбирлар ва эҳтиёткорлик асосида иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини қайта тиклашга эътибор қаратилди.

Бизнингча, 2021 йилда Ўзбекистон иқтисодиётидаги бу каби ижобий ўзгаришнинг асосий омили сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

туризмни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган чора-тадбирлар. Ҳаттоки, мамлакатимиз ҳудудида вирус юқтириб олган сайёҳларга молиявий компенсация тарзида 3 минг АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатилишини белгиланиши. Зотан, Жаҳон банки ушбу йўналиш кўплаб мамлакатларда тикланиши қийин кечишини таъкидлаган;

аҳолини ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларини тадбиркорлик субъектлари амалга оширган тақдирда, уларга солиқ енгилликларини беришни жорий этилганлиги. Мазкур ҳолат аҳолининг даромадлари сақлаб қолинишига хизмат қилиши мумкин;

макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини шакллантиришда туман (шаҳар), вилоят кесимида ёндашув ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилганлиги. Бунда ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ихтисослашувига эътибор беришнинг шакллана-ётганлиги ва истиқболда унга жиддий ёндашув мавжудлиги билан изоҳланади.

Пандемияга қарши жорий этилган карантин чекловлари доирасида ҳудудлар "қизил", "сариқ", "яшил" тарзида баҳоланиши жорий этилиши муҳим аҳамият касб этди. Бундай тамоқалаштириш вирус аниқланмаган ҳудудларда иқтисодий ҳаракатсизликнинг мавжуд эмаслиги билан асосланади. Бошқача айтганда, "яшил" ҳудудда иқтисодий фаолиятни амалга оширишга рухсат берилади.

Албатта, Жаҳон банки томонидан бугунги пандемия натижасида келиб чиққан инқироз шароитида дунёнинг етакчи давлатлари иқтисодий жиҳатдан борган сари "оқсаётган" бир пайтда мамлакатимиз иқтисодий истиқболининг бундай ижобий баҳоланиши барчамиз учун қувонарли.

Мазкур иқтисодий ҳаракатсизлик инқирози натижасида ривожланаётган мамлакатларда давлат ташқи қарзи ошиши вужудга келди. Ушбу тенденция 2009 йилдагига нисбатан бир неча баробар юқоридир. Мазкур жараёнда Ўзбекистон ҳам ташқи қарзни жалб этишга тўғри келиши, мамлакатимизда давлат қарзини бошқаришга нисбатан ёндашувга шубҳаларни кучайтирди. Лекин, бизнингча, бундай қараш тор ёндашувни акс эттиради. Сабаби, 2020 йилнинг бошланишига қадар Ўзбекистон давлат қарзи ЯИМга нисбатан 27 фоиз атрофида эди, пандемия натижасида жалб этилган маблағлар 1-2 фоиз атрофида бўлиши қарзнинг ушбу миқдорда ошишига олиб келди. Умумий ҳисобда 2020 йил июнь ҳолатига 31 фоиз атрофида бўлмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг ҳисоб-китоби ва Халқаро валюта жамғармаси тавсиясига кўра, Ўзбекистонда давлат қарзи ЯИМга нисбатан 50 фоизгача даражада жалб қилиниши ижобий деб баҳоланиши маълум қилинган. Шу боис, ушбу тенденция кескинлик касб этади, деб ўйламаймиз.

ИҚТИСОДИЙ ТИКЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЗИДДИЯТЛАР

Кўпчиликда иқтисодий тикланиш учун қанча муддат зарур бўлади, деган саволлар туғилиши табиий. Прогнозларга кўра, тармоқлар ва соҳаларга қараб иқтисодий тикланиш учун ўртача 3–12 ой керак бўлади. Туризм, хизматлар ва чакана савдо ҳамда йўловчи ташиш соҳаларида иқтисодий фаоллик нисбатан секин тикланиши кутилмоқда. Электротехника ва енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, қурилиш ишлари, молиявий ва тиббий хизматлар соҳаларида иқтисодий фаолликнинг тезроқ (ўртача даври 2–3 ой) тикланиши аниқланган.

Мамлакатимизнинг Жаҳон банки эътирофига сабабчи бўлган иқтисодий омилларига эътибор қаратишимиз ва келгусида пандемия ҳамда иқтисодий инқироз шароитларида ислоҳотлар жараёнларини янада чуқурлаштириш йўналишларини белгилаб олишимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда пандемиянинг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига дастлабки босқичлардаёқ катта эътибор қаратилди, саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрларга аниқ ва самарали чоралар белгилаб берилди, иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимизнинг коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Унга асосан, 10 триллион сўм ҳажмдаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тузилди. Иқтисодиётга коронавирус таъсири энг юқори бўлган тармоқларга солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилди. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоиз камайтирилди. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилиши белгиланди.

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинди ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилди. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмаслиги, халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, "яшил йўлак"лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиш белгилаб қўйилди.

Бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар берилди — 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари бекор қилинди, коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмай, карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объекти бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилди.

Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилди. Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланди, аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби бекор қилинди. Янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилди.

Пандемия натижасида келиб чиққан иқтисодий инқироз шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди. Тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоиз камайган кичик бизнес субъектларига ойланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати кечиктирилди, юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилди.

Тадбиркор олган кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда унинг 12 фоизини давлат қоплаши, бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилиши, интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма кафиллик бериши белгиланди. Қийин аҳволдаги корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг 12 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилди.

Шунингдек, қишлоқларда кўп иш жойларини ташкил этиб, энди оёққа тураётган пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилди, уларнинг 2019 йилда пахта етиштириш учун олган кредитларини қайтариш муддати узайтирилди.

Таъкидлаш жоизки, карантин даврида уй шароитида ривожлантириш мумкин бўлган фаолият турларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 28 мингдан зиёд ҳунармандга 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида ҳунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирд тайёрлади, уларнинг ташаббуслари пандемия вақтида аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Мамлакатимизда битта корхона фаолияти тўхталишига ҳам "фавқулодда ҳолат" деб қаралиши натижасида иш ўринлари ва оилалар даромади сақлаб қолинишига эришилди. Айниқса, ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми ва аҳоли бандлигини таъминлайдиган 2 мингдан ортиқ йирик корхона фаолиятини умуман тўхтамаслигига эришилди.

Шунингдек, Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишига қўшимча 3,6 триллион сўм ажратилди. Бу маблағлар, энг аввало, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, 152 та лойиҳанинг муаммолари ҳал қилиниб, 10 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Қолаверса, аҳоли ихтиёрида мавжуд 4,5 миллионта томорқа хўжалигидан одамларга қўшимча даромад, халқимизга ризқ-рўз манбаи сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча томорқаларда 2-3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш, хонадонларда ихчам иссиқхоналар қуриш биринчи даражали вазифа сифатида белгиланди, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида 1-2 сотихли иссиқхоналар ташкил этилди, 233 та қудуқ қазилиб, 4,5 мингдан ортиқ хонадоннинг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигида кооперативлар ташкил этилиб, улар учун 50 миллиард сўм ажратилди, кооперативга аъзо бўлган ишсиз фуқароларга маҳсулот етиштириш харажатлари учун 24 миллиард сўм субсидия ажратилди, кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга мевали кўчатлар, сабзавот уруғлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб берилди, томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш йўлга қўйилди.

Шунингдек, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати кечиктирилди, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратилиши йўлга қўйилди.

ЖАЛБ ЭТИЛАЁТГАН МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР АҲОЛИ ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШ, ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда пандемия шароитида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, жорий йилда халқаро ва ҳорижий молия институтлари томонидан йўналтирилган 2,7 миллиард долларни ўзлаштириш режалаштирилган. Уларнинг асосий қисми Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳиссасига тўғри келади. Пандемия шароитида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг ўзига 700 миллион доллар йўналтирилмоқда.

Жаҳон банкининг эътирофига сабабчи бўлган омиллардан яна бири сифатида мамлакатимизда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати фаолияти йўлга қўйилишини кўрсатиш жоиз, деб ҳисоблаймиз. Яъни мазкур ҳаракат доирасида пандемия шароитида янги иш ўринлари ташкил этиб, кам таъминланган аҳоли қатламларини иш билан таъминлаган ва уларга моддий кўмак берган тадбиркорларга уларнинг харажатлари солиқ ва кредит имтиёзлари тақдим этиш, инвестициялар йўналтириш ёки бошқа имтиёзлар бериш орқали тўлаб бериш амалиёти жорий этилди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда пандемия шароитидаги иқтисодий инқироз ҳолатида ҳам ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлаб туриш ва келгусидаги иқтисодий ўсишни таъминлаш учун турли йўналишларда тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишларни шартли равишда қуйидагича ифодаланмоқда:

биринчи — иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш;

иккинчи — камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш;

учинчи — банк тизимидаги ислоҳотларни жадаллаштириш;

тўртинчи — тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш;

бешинчи — экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;

олтинчи — саноатда рақобатбардошликни кучайтириш;

еттинчи — кичик бизнесни ривожлантириш;

саккизинчи — рақамли технологияларни кенг жорий қилиш.

Аҳоли бандлиги ва даромадлилигини таъминлашда хусусий бизнес имкониятларидан самарали фойдаланишда уларнинг реал лойиҳаларини кредитлашнинг мақбул ечимларини таклиф этиш муҳим масала ҳисобланади.

Иқтисодиёт тармоқларида, умуман, барча соҳаларда илм-фан ютуқлари ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини ошириш харажатларни минималлаштириш ва нархларнинг пасайишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Айни жараёнда интернет сифати ва тезлигини ошириш муҳим масаладир.

Бу ўринда Сингапур мўжизаси асосчиси Ли Куан Юнинг қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш ўринлидир: *"Мен Сингапурда мўъжиза яратмадим. Мен бор-йўғи ватаним олдидаги бурчимни бажардим. Давлат маблағларини таълим томон йўналтирдим. Муаллимлар даражасини бечораҳолликдан энг баланд табақага кўтардим. Мўъжизани муаллимлар яратди. Улар биз учун илм ва ахлоқни севдиган авлодни бино қилишди".*

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ВА ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

давлат секторида шаффофликни таъминлаш тартибини жорий этиш зарурати мавжуд. Бу борада давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенсни жорий этиш, рақобатни ривожлантириш борасида мутлақо янги тизим яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Комплаенсни бошқариш тизими компаниянинг хавфсиз бизнес ҳамкор сифатидаги ишончлилигини мустаҳкамлаш, бозордаги бошқа хўжалик субъектларига нисбатан рақобатбардошлилигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда монополияга қарши комплаенсни жорий этишни самарали ташкил этиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, монополияга қарши комплаенснинг ташқи ҳужжатлари намуналари ишлаб чиқилиши, корхоналарнинг бу тизим жорий этилишдан оладиган самараси, мумкин бўлса, имтиёзлари кенг тарғиб қилиниши зарур. Бундан ташқари, давлат улуши юқори бўлган корхоналар, хусусан, табиий монополия субъектлари кесимида комплаенсни жорий этиш босқичлари белгиланиши лозим. Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари таркибида комплаенс ва рискларни бошқариш қўмитасини ташкил этиш даркор. Кадрлар таъминоти муаммосини бартараф этиш учун бу йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш керак.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, малакатимизда амалга оширилаётган ва кўрилаётган чора-тадбирлар фақатгина пандемия шароитида иқтисодиётни сақлаб қолишга қаратилиб қолмасдан, энг катта бойлигимиз — аҳолини хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, уларнинг муносиб турмушини таъминлаш ва узоқ истиқболда ривожланишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Албатта, коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоиз, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоиз, Россияда 6 фоиз, Европа Иттифоқида 9,1 фоиз **тушиши кутилмоқда**. Ушбу тушишлар фонида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда 1,5 фоиз иқтисодий ўсишни башорат қилиниши, фикримизча, улкан эътирофдир!

Лекин бу башоратни рўёбга чиқиши, аввало, юртимизда пандемиянинг кейинги "тўлқинлари" рўй беришига йўл қўйилмаслигига ва бунинг натижаси бўлган ишчанлик муҳитининг пасайиб кетмаслиги билан бирга, ташқи омилларга — геосиёсий турбулентликнинг вужудга келмаслиги ва ҳамкор давлатларимиз иқтисодининг кескин тушиб кетмаслиги билан боғлиқ. Шунинг учун бугунги ҳолат ҳар биримиздан сергакликни, ўта масъулиятни ва юқори яратувчанликни талаб этмоқда.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — халқаро парламент ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосидир. Парламентлараро иттифоқ, ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ва парламентларнинг бошқа халқаро форумлари фаолиятида иштирок этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 июнь, 119-сон

30 июнь — Халқаро парламентаризм куни

ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Бошланиши 1-бетда

Дунёнинг 27 мамлакатида миллий парламентаризм куни нишонланади. Парламентаризм нафақат соф миллий ҳодиса, балки трансчегаравий мазмунга ҳам эгадир. Бутун дунё парламентларининг аъзолари ушбу сананинг аҳамияти ва заруратига тобора ишонч ҳосил қилмоқда. Уларнинг фикрича, касб кунини нишонлаш глобал парламентаризм институтини ривожлантириш, энг яхши парламент анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Эндиликда парламент дипломатияси энг долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш, замонавий муаммо ва таҳдидларга жавоб излашда турли мамлакатлар парламент аъзоларининг узаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга самарали замин ҳозирламоқда.

Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Картин Чунгонг қуйидагиларни таъкидлади: "Парламентлараро иттифоқ парламентларни демократиянинг фундаментал институтлари сифатида мустаҳкамлаш учун тинимсиз ишламоқда. Халқаро парламентаризм куни муносабати билан дунёнинг барча парламентларига ўз қувватлашимни билдирмоқчиман. Парламентлар аъзоларидан ўз мамлакатлари халқи билан кўпроқ ишлашни, улар вакили бўлган халқ ҳаётини яхшилашини сўраймиз".

Халқаро ва минтақавий даражада парламентаризмни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар, хусусан, Парламентлараро иттифоқ, Европа парламенти, Марказий Америка парламенти, Араб парламенти, МДҲ парламентлараро Ассамблеяси, Европа Кенгаши ва ЕХҲТ парламент ассамблеялари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда Парламентлараро иттифоқнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, ушбу халқаро ташкилот икки аср вақт ва икки жаҳон урушини бошдан кечирган. Унинг саккиз нафар вакили, жумладан, ташкилот асосчилари бўлмиш франциялик Фредерик Пасси ва англиялик Уилям Кремер Нобель тинчлик мукофотига сазовор бўлган.

Парламентлараро иттифоқ 179 мамлакатдаги парламентларнинг энг йирик уюшмаси сифатида БМТнинг парламент соҳасидаги мезонига айланиб бормоқда. Агар Парламентлараро иттифоқни ташкил этувчи барча давлатларнинг сайловчилари сони ҳисоблаб чиқилса, ҳозирги кунда ташкилот сайёрамиздаги 6,5 млрд. кишининг вакиллик органи сифатида намоён бўлишини англаш қийин эмас. Энг муҳими, Парламентлараро иттифоқ "янги ечимлар ва янги ғоялар учун платформа"га айланмоқда.

БМТ халқаро ва минтақавий парламент бирлашмаларининг муҳим ролини муносиб баҳолайди. Шу билан бир қаторда, БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича миллий режалар ва стратегияларни амалга оширишда, шунингдек, минтақавий ва глобал даражаларда шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашда миллий парламентларнинг муҳим ролини ҳам эътироф этади.

Парламентлар миллий ва халқаро кун тартибларини мувофиқлаштиришга ёрдам беришда ноёб имкониятга эга. Улар халқаро мажбуриятларни юзага келтирадиган қонунлар қабул қилади. Шу билан бирга, бюджет харажатларини назорат қилади ва ҳукуматларнинг фуқаролар, яъни электорат ҳамда халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларини бажаришдаги фаолиятини кузатиб боради.

Тарихан парламентлар — демократиянинг асоси ҳисобланади. Улар халқ фикрини акс эттиради, қонунлар қабул қилади, қонун ва сиёсатни амалга ошириш учун маблағ ажратади ва ҳукуматларга талаблар қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — халқаро парламент ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосидир. Парламентлараро иттифоқ, ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси ва парламентларнинг бошқа халқаро форумлари фаолиятида иштирок этади.

> **Парламентимиз Парламентлараро иттифоқнинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Бу билан дунёда тинчлик, хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича парламентлараро мулоқотни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.**

Ташкилот фаолиятида Олий Мажлис палаталарининг иштироки ассамблея, доимий қўмиталар, халқаро форум ва семинарлар, шунингдек, Парламентлараро иттифоқнинг асосий ҳужжатларида белгиланган тамойил ва механизмларни амалиётга жорий этиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, изчил ислоҳотларни амалга оширишда парламент демократиянинг ҳақиқий мактаби, ташаббускори ва ҳал қилувчи кучига айланиши лозим. Демократик жараёнларда парламент ҳамда сиёсий партиялар жуда муҳим ва масъулиятли роль ўйнайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Олий Мажлис палаталарининг ролини ошириш, ижро органлари устидан парламент назоратини ўрнатиш, шунингдек, қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларига таъсирини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш бўйича қонунчилик ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Парламенти қонун ижодкорлиги билан бир қаторда назорат фаолияти, хусусан, парламент эшитувларини ўтказиш, бюджет назорати, ҳукумат соатлари, депутатлик сўровларини ташкил этиш ҳамда сайловчилар билан мунтазам учрашувларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кейинги йилларда халқ сайлаган парламент ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Парламентлараро иттифоқ тавсияларига кўра Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти органлари, судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари томонидан парламент ва маҳаллий Кенгашларда ҳисобот ва маълумотларни тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Ҳукумат аъзолари масъулиятини мустаҳкамлаш бўйича қонун доирасида зарур тартиб-таомиллар татбиқ қилинган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Қонунчилик палатаси розилиги ва Бош вазир киритган тақдимномага асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадилар.

Парламент, шунингдек, ҳар чорақда давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқувчи Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури ижроси тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқади.

Депутатлар ва сенаторлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида вазиятни ўрганиш ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда аниқ ёрдам кўрсатиш учун мунтазам равишда жойларга чиқадилар. Ушбу барча чора-тадбирлар ислоҳотларнинг "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган бош тамойилини амалга оширишга қаратилган.

Парламентнинг замонавий шароитлардаги қонун ижодкорлиги фаолиятига хос муҳим янгиликларни ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Мисол учун, қонунчилик жараёнида кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиш, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали "Менинг фикрим" жамоатчилик эшитуви механизмининг амалга оширилиши амалиётидан фойдаланиш қонун лойиҳаларини маромига етказиб тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни жорий этиш, фуқаролар ҳуқуқларининг айрим тоифаларини амалга оширишни таъминлаш бўйича "йўл хариталари" тузиш, халқаро ва минтақавий инсон ҳуқуқлари механизмлари билан ҳамкорликни ривожлантириш — буларнинг барчаси парламент аъзолари учун янги ривожланиш босқичидаги муҳим вазифалар ҳисобланади.

Парламентлараро иттифоқ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Бошқармаси томонидан ташкил этилган "Парламентнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги: ҳаракатлар учун илғор амалиётларни ва янги имкониятларни аниқлаш" мавзуидаги халқаро семинарда Ўзбекистон парламентининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Хусусан, БМТнинг олий мартабали шахслари Ўзбекистонга ташриф буюрганларидан сўнг Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан "Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссар тавсияларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси" ва Дин ёки эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачисининг тавсияларини амалга ошириш учун "Йўл харитаси" қабул қилинди.

Ҳукуматнинг 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги ахбороти ҳам жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Парламентлараро иттифоқ Олий Мажлис ҳузурида 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг миллий барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларининг амалга оширилишини назорат қилиш ҳамда Нодавлат ташкилотлар, ОАВ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича иккита парламент комиссияси тузилганини мамнуният билан кутиб олди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг кўплаб экспертлари Халқаро парламентаризм кунини таъсис этиш ташаббусини маъқуллладилар. Жумладан, БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш парламент аъзоларининг муҳим ҳиссасига тўхталиб: "Парламент аъзолари қонунлар орқали барқарор ривожланишга эришиши, соғлом сайёрада тинч ва барқарор жамият қуришга салмоқли ҳисса қўшишлари мумкин. Бутун дунё парламентлари аъзоларига ўз қўллаб-қувватлашимни билдириб, улар хизмат қилаётган халқ эҳтиёжларини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига эҳтиромимни билдирмоқчиман", дея қайд этди.

> **Ўз навбатида, Парламентлараро иттифоқ президенти Габриэла Куэвас Баррон шундай деб қайд этди: "Халқаро парламентаризм куни демократия ва эркинликни ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳимоя қилиш керак бўлган пайтда, айниқса, долзарбдир. Биз халқни ифодаловчи халқ вакиллари ва парламентлар билан ҳамиша ҳамжиҳатмиз. Бу сана айнан уларнинг байрамидир".**

Шундай қилиб, Халқаро парламентаризм куни парламент тизимининг аҳамияти ва парламентларнинг бутун дунёдаги инсонлар ҳаётини яхшилашдаги ролига эътиборни жалб этишга қаратилган. Зеро, кучли парламентлар — демократия пойдеворидир.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС билан КАСАЛЛАНГАН ва СОҒАЙГАНЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

8222 КАСАЛЛИК АНИҚЛАНГАНЛАР

5496 СОҒАЙГАНЛАР

24 ВАФОТ ЭТГАНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Мамлакатимизда даволаниш кўрсаткичи 66 фоизни ташкил қилмоқда.

Ҳудудлар номи	Касаллик аниқланганлар	Соғайганлар сони ва фоизи		Вафот этганлар
Қорақалпоғистон Республикаси	151	141	93%	
Андижон вилояти	209	181	87%	
Бухоро вилояти	521	490	94%	1
Жиззах вилояти	10	3	30%	1
Қашқадарё вилояти	197	56	28%	
Навоий вилояти	283	237	84%	
Наманган вилояти	298	281	94%	4
Самарқанд вилояти	434	393	91%	2
Сирдарё вилояти	Барча беморлар Тошкент шаҳрига ўтказилган.			
Сурхондарё вилояти	101	65	64%	2
Фарғона вилояти	158	157	100%	1
Хоразм вилояти	318	258	81%	
Тошкент шаҳри ва вилояти	5542	3234	58%	13



Ифтихор

МИЛЛИЙ ҒУРУР ИФОДАСИ

Феруза МУҲИДДИНОВА,
ТДЮУ профессори,
юридик фанлар доктори
Шоира ЭРМАТОВА

Мустақил республикамизнинг "Давлат герби тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганига 28 йил тўлмоқда. Мамлакатимиз истиқлолнинг биринчи йилидаёқ ўз гербига эга бўлди. 1992 йилнинг 2 июлида "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди. Давлат герби давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланиб, у Ер юзи сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради.

Конституциямизнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга", дея рамзларимизнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган байроқ, герб ва мадҳиямиз эса давлат ва халқ бирлигини намоён этади.

Қувонарли томони, бугунги кунда халқимизнинг осойишталигини таъминловчи масъул идоралар ходимлари кўксига, бош кийимларига тамғамиз қадалган. Бу ўз эркига эга бўлган халқнинг кўнглини тоғдек кўтариб, миллий ғурур бағишлайди. Гербимиз қабул қилинган қутлуғ сана муносабати билан унинг таърифию ҳуқуқий асосини яна бир карра эслаш жоиз, деб ўйлаймиз.

> Конституциямизнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга", дея рамзларимизнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. Мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган байроқ, герб ва мадҳиямиз эса давлат ва халқ бирлигини намоён этади.

Давлат гербимиздаги тасвирлар Ўзбекистон сарҳадида қадимдан давлат ва халқлар мавжуд бўлгани, тарихий ривожланишидаги боғлиқлик ҳамда ҳуртимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Зеро, тамғадаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида халқ ва юртнинг тарихий-маънавий жиҳати акс этган. Жумладан, Ўзбекистон жаннатмакон ўлка эканинг ҳақиқий манзараси тамғада ўз ифодасини топган, десак муболаға бўлмайди. Асрлар давомида оқ олтин деб улуғланган ғўза чаноқлари очилган тасвир ўнг томондан бошланиб, чап томонда ризқ-рўзимиз бўлмиш буғдой бошоқлари, тоғу дарёлари бор гуллаган водий узра нур сочган қуёш тасвири туширилган тамға изоҳ талаб этмаслиги айни ҳақиқатдир. Бир эътибор беринг-а, юқори қисмидаги саккиз бурчак ичида яримой ва юлдуз халқнинг азалий истиқболини акс эттирган бўлса, бунинг мантиқий давоми сифатида гербнинг марказида қанотларини ёзган мағрур Ҳумо қуши бахт ва эрксеварликни намоён этган. Байроғимизни ифода этувчи чамбар тасма гербнинг пастки қисмида "Ўзбекистон" деган ёзувга ҳамоҳанг.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунда гербнинг қандай кўринишга эгалиги, ҳатто рангларигача яққол ифодалаб берилган. Унга мувофиқ, мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилиши шарт. Унинг тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ташкилотлари бинолари пештоқига ўрнатилган. Герб тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида, қонунда белгиланган бошқа ҳужжатларда акс этган. Бу эса гербнинг Ватанимиз шаъни, халқимиз ғурурини ёрқин акс эттиришининг ҳуқуқий кафолати, элимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этган тинч ва осойишта, озод ва эркин ҳаётимиз, ёруғ келажагимизга бўлган ишончимиз ифодасидир.

Зеро, инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун бўлган юртнинг фуқароларида ҳам ҳуқуқий маданият, ҳам юксак маънавий қадрият бўлиши шартдир. Ана шу икки жиҳат аҳолининг, айниқса, ёшларимизнинг ватанпарварлигини ҳамда қонунларга итоатгўйлигини таъминлайди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 9 январдаги "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони ҳамда мазкур ҳужжат билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси тасдиқланган аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий саводхонликка эришиши, ўз ҳуқуқларини биладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга шахсларни тарбиялашнинг кенг қамровли тизимини яратишга қаратилгани билан муҳимдир. Бунда, албатта, Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ҳам айнан жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби масалаларга эътибор берилгани бежиз эмас. Болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ва қонунларни оддий, халқчил қилиб кенг жамоатчиликка етказиш, албатта, ёшларимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун билан давлатимиз гербидан фойдаланиш қоидалари янада мустаҳкамланди. Мазкур ҳужжатга кўра, Давлат герби элементларининг нодавлат ташкилотлар ҳужжатлари реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Давлат герби тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзлари Давлат гербига ўхшаш бўлишига ҳам йўл қўйилмайди.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда бундай чекловларнинг белгиланиши давлатимиз рамзларидан айрим хусусий, тор доирадаги манфаатларни қондириш, турли товарларни (ишлар, хизматлар) реализация қилиш воситаси сифатида фойдаланиш каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга ҳамда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва эътиборнинг ортишига хизмат қилади. Давлат рамзлари ҳақидаги қонунларни такомиллаштириш заруратига кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Демак, юртимизда давлат рамзлари бўйича ўзига хос меъёрлар яратилган.

Давлатимиз рамзи бўлмиш гербимизга ҳурматни болаликдан, оиладан, маҳаллаю мактабдан ўргатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Давлат герби туширилган тасвирда миллат ва халқнинг, давлатнинг бир бўлаги мужассамдир. Уни кўз қорачиғидек асрамоқ керак. Ана шу оддий ҳурмат ва эътибор билан қалбида Ватан туйғуси шаклланадики, у ғурур ва ифтихор бахш этади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлат рамзлари ҳамиша муқаддас ва улуғ саналган. Уларни сақлашни мард ва жасур кишиларга ишонишган. Бугун Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ҳам ўрнатилган. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган Ватаннинг муқаддас тимсолидир. Шу маънода ҳам Давлат герби — ғурур ва ифтихоримиз, у ҳар бир фуқаро учун муқаддасдир.

ФАРҒОНА: ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОДИМЛАРИ

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

БОЗОРИ ЧАҚҚОН ИПАК ГИЛАМЛАР

Марғилон Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий кент. Шу боис, минг йиллардан буён бу шаҳарда ҳунармандчилик ривожланиб келган. Энг муҳими, бугун ҳам у республикамизнинг ҳунармандчилик марказларидан бири бўлиб турибди. Шу маънода, бу ерда мамлакатимизда ҳозирча ягона Ҳунармандчилик маркази ташкил этилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган пресс-тур шу марказга ташриф билан бошланди. Марғилонга сўнгги бор борганимга уч-тўрт йил бўлганди. Шаҳар кейинги йилларда мутлақо янгича қиёфа касб этиб, янада чирой очибди, обод бўлибди. Одамларнинг юзида, кўзида ҳам сўнгги йиллар ислоҳотлари акс-садо бериб турагандек гўё. Пандемия шароити бўлса-да, барчанинг кайфияти кўтаринки, руҳи баланд. Марғилондан Фарғонага борадиган катта йўлнинг чап тарафида қад ростлаган Ҳунармандлар марказига кирганимда улуғ ва севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида тасвирланган Марғилонни эсладим.

Икки қаватли марказнинг қуйи қаватида атлас, адрас, шойи, бахмал, беқасам каби миллий матолар тўқилади. Шунингдек, тайёр маҳсулотлар кўргазмаси, чевархона ҳам ўрин олган. Бу ердаги дўконда матога гул чизиш, боғлаш ва бошқа жараёнлар кўргазмали тарзда намойиш этилади.

Бинонинг иккинчи қаватида юз-юз эллик чоғли қиз ўрмакда гилам тўқияпти. Ҳаммасининг нигоҳи ёнида турган суратга қаратилган. Бир суратга қарайди, бир чаққон қўллари билан керакли рангдаги шойи ипни олиб, гилам тўқийди. Улар ўша суратдаги манзарани гиламга кўчиришмоқда. Зални айлана туриб, бир тўқувчи олдида тўхтадим. Ўзини Рўзихон Аҳмадалиева деб таништирган қиздан бу ерда уларга яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида сўрадим.

— Ҳунармандлар марказига келиб кам бўлмадим, — дейди Рўзихон. — Аввало, ҳунар ўргандим, ишли бўлдим. Ипакдан гилам тўқиш жуда мураккаб иш, катта сабр-тоқат талаб қилади. Кичкинагина гиламни баъзан икки-уч ой тўқиймиз. Бу иш менинг иродамни тоблаяпти, сабр-тоқатли бўлишга ўргатяпти. Ойлигим ҳам ёмон эмас, ишга корхона автобуси олиб келиб, олиб кетади, тушлигимиз марказ ҳисобидан. Касал бўлиб қолсак, даволананиш пулимизни ҳам ишхонамиз тўлайди. Хуллас, бу ерда ишлаётганимдан жуда хурсандман.

Бу маскан моҳир уста Иброҳимжон Султонов ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик асосида қурилган. Иброҳимжон ака тўқувчининг фарзанди. Болалиги тўқув ускунаси ёнида ўтган. Кейинчалик ўзи ҳам узоқ йиллар шу иш билан шуғулланган. Олий Мажлис Сенати аъзоси, марказ раҳбари бўлса-да, ҳозир ҳам гилам тўқишни канда қилмайди. Бўш вақт топди дегунча, ўрмакка ўтириб, севимли иши билан банд бўлади.

Иброҳимжон аканинг таъкидлашича, марказда 50 турдан зиёд гиламлар 100 фоиз тоза ипакдан қўлда тўқилади. Шунинг учун унинг дунё бозорида харидорлари кўпайиб бормоқда. Ҳозир бу гиламлар, асосан, Туркияга экспорт қилиняпти, лекин сўнгги йилларда Европа мамлакаларида ҳам тоза ипакдан қўлда тўқилган ўзбек гиламига қизиқиш ортиб боряпти.

Аслида ҳамиша ҳам табиий, экологик тоза маҳсулотларга талаб кучли бўлган. Сўнгги йилларда сунъий товарлар, айниқса, сунъий озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиб кетгач, жаҳоннинг ривожланган давлатларида табиий маҳсулотларга талаб янада кучайди. Юз фоиз табиий бўлгани учун Ҳунармандлар марказида ишлаб чиқарилаётган атлас; адрас каби матолар АҚШ, Италия, Франция, Россия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилиняпти. Тасаввур қиляпсизми, дунёнинг манаман деган мамлакатлари бизнинг маҳсулотларга харидор.

— Энг қиммат гиламни неча пулга сотгансиз? — дея савол бердик Иброҳимжон акага.

— Ўтган йили битта 3,5х4,5 метр ўлчамли гиламимизни 61 минг, 3х4 метр ўлчамли гиламимизни эса 59 минг АҚШ долларига сотдик. Майда гиламларимизга ҳам ҳамиша харидор топилади. Шаҳримиз водийнинг сайёҳлик манзилларидан бири. Марказимиз шаҳримизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қиляпти. Осори-атиқалар билан танишган сайёҳлар бу ерга келиб атлас, адрас тўқиш жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлади, ҳам ўзи хоҳлаган маҳсулотни харид қилади. Шу ердаги чевархонада ўз дидига мос либос тиктириб кийиб кетаверади. Айримлари гиламларимиз билан қизиқади. Ўтган йили 1,5 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилгандик. Бу йил пандемия туфайли мижозларимиз бироз камайди. Лекин йил охиригача ўтган йилги кўрсаткичга эришишга ҳаракат қиламиз.

Корхонанинг 11 та цехида 600 нафар хотин-қиз ишлайди, яна 1300 аёл касаначилик асосида уйда ўтириб меҳнат қилади. Шунингдек, вилоятнинг бир неча аҳоли пунктларида марказнинг филиаллари бор. Бу филиалларда ишлайдиган аёлларнинг фарзандлари учун махсус боғчалар очилган. Энг асосийси, бу мактабгача таълим муассасаларида тўқувчиларнинг болалари бепул тарбияланади.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Ҳунармандлар марказида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Марказда ишлаётган аёллар билан суҳбатлашар экан, бундай деди:

— Менинг энг катта ислоҳотим – ҳар бир оиланинг нури бўлган оналарни, хотин-қизларни рози қилиш. Сизларнинг кўзингиздаги ишончни, умидни кўриб бахтиёр инсонман. Аёлларни қанча рози қилсак, Яратган бизга куч-қудрат, юртимизга тинчлик-осойишталик беради. Бутун дунё пандемия оқибатида катта қийинчиликка учраяпти. Ҳеч ким ишонмаганди, шу шароитда мана шундай корхоналар ишга тушира оламиз деб. Бу – Фарғонадаги ўзгаришларнинг бошланиши, қалдирғочи. Худо хоҳласа, натижаларимиз бундан ҳам юқори бўлади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, натижаларимиз бундан-да юқори бўлади. Буни марказнинг кундан-кунга ривожланиб бораётгани ҳам исботлаб турибди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бугун дунёни, ҳар бир ташлаган қадамимизни ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Аслида замон талаби ҳам шу. Юртимизнинг энг чекка қишлоқларига ҳам бориб кўринг, мобил телефонсиз бирорта одамни, хонадонни топасизми? Бекорга давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича белгилаб берилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилмаган.

Марғилон шаҳрида яқинда фойдаланишга топширилган Рақамли технологиялар марказида бўлганимизда хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Бугун бу ерда электрон ахборот-ресурс маркази, 60 ўринли анжуманлар зали, музокаралар хонаси, видеостудия рақамли технологиялар мутахассислари ихтиёрида. Бинонинг алоҳида хоналарини эгаллаган ёшлар компьютерда турли дастурлар тайёрлаш билан банд.

— Мен телеграм учун махсус каналлар яратяпман, — дейди ўзини Темурмалик Матризаев деб таништирган йигит. — "Ўзмесенжер", "Ёз – ўтмоқда соз" каналларимиз бор. Бу каналлар орқали халқимиз коронавирус даврида зерикмаслиги учун ҳар хил савол-жавоб викториналари ташкил этяпмиз. Шунингдек, ўқувчилар ёзги таътилни қандай ўтказаётгани ҳақида ҳам қизиқарли материаллар тарқатамиз. Ҳар куни бир марта савол-жавоб викторинаси ўтказаман.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Темурмаликка ўхшаган ёшлар бугун Марғилонда кўплаб топилади. Улар замонавий рақамли технологияларни мукаммал ўрганиб, келгусида мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил бел боғлаган.

Марказни ташкил этишдан мақсад ёшларга дастурлаш, ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик, робототехника ва киберспорт асосларини ўргатиш, ахборот технологиялари соҳасида стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий ҳамда самарали механизмларини яратишдан иборат эди. Ҳозир бу ерда дастурлаш, мобил илова, веб-дизайн, робототехника, киберспорт, стартап маркази, фрилансерлар мактаби, дизайн каби йўналишларда дарслар олиб борилмоқда.

Маҳаллий бюджетдан 14 миллиард сўм маблағ сарфланган замонавий марказ 2,5 гектар майдонни эгаллаган. У рақамли технологиялар ва иқтисодиёт бўйича ягона марказлашган комплекс тизим яратиш ҳамда хизматлар тақдим этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Марказ фаолиятини йўлга қўйишда Жанубий Корея ва Россия Федерациясидаги технопарклар тажрибасига таяндик, — дейди марказ раҳбари Баҳромжон Жалолов. — Ходимларимиз 24 соат ишлайди. Улар саноат корхоналарини автоматлаштириш борасида изланишлар олиб боряпти. Ҳозир бу ерда 150 нафар ёш дастурлаш сирларини ўрганмоқда. 2022 йилга келиб 1000 та иш ўрни яратилади. Бошқача айтганда, бу ерда ёшлар ўртасида рақамли кўникмаларни шакллантириш, "Бир миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш учун барча имкониятлар бор.

ИЛҒОР ҒОЯЛАРГА – КЕНГ ЙЎЛ

Эътибор берганмисиз, ўзимизда ишлаб чиқарилган кўплаб костюм ва шимларни кийганингиздан сўнг бир-икки ой ўтгач, питиғи чиқиб кетади. Марғилон шаҳридаги "UZWOOLENTEX" қўшма корхонасига борганимизда бунинг сабабини тушунгандек бўлдим. Бу ерда тайёрланаётган жунли матолар уч марта назоратдан ўтказилиб, питиғидан тозаланади. Шундан сўнг матога алоҳида дастур асосида ишлов бериларкан.

Президентимиз 2018 йилнинг июнь ойида Фарғона вилоятига ташрифи чоғида "Наримтекс" МЧЖ фаолияти билан танишиб, ички ва ташқи бозордан ўрин эгаллаш учун хориж технологияларини жалб этиш, ишчи-хизматчилар малакасини доимий ошириб бориш борасида топшириқлар берган эди.

"UZWOOLENTEX" қўшма корхонасининг ташкил этилиши мазкур топшириқни бажариш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Корхона узоқ вақт қаровсиз ётган собиқ "Атлас" фирмаси негизида ишга тушди. Уни барпо этишга 7,9 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Ҳозир бу ерда 300 нафар маҳаллий ёш меҳнат қиляпти. Тўқув, сифатни назорат қилиш, пардозлаш ва лаборатория цехлари юқори унум билан ишламоқда. Италия ва Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлардан олиб келинган сўнгги русумдаги ишлаб чиқариш ускуналарини маҳаллий ёшлар маҳорат билан бошқармоқда.

— Австралиянинг меринос қўйлари жунидан хизмат кийимлари учун жун аралашмали матолар ишлаб чиқаралдиган корхонамиз Марказий Осиёда ягона, — дейди "UZWOOLENTEX" раҳбари Наргиза Аминова. — Бу мато пахтадан анча сифатли бўлиб, қуёш нуридан сақлайди, ҳаво ўтказувчанлиги юқори, антибактериал хусусиятга эга, ҳидсиз. Энг муҳими, маҳсулотларимизга дунё бозорида талаб юқори. Айни кунларда ишлаб чиқараётган матоларимизнинг асосий қисми Россия, Беларусь сингари яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхонамизда ишчилар малакасини оширишга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Европадан келтирилган ускуналарни бошқаришнинг ўзи бўлмайди, ахир. Яқинда 10 та аёл ишчимиз Хитойда малакасини ошириб қайтди.

Айни кунда истиқболли лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш учун корхонага 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилиб, замонавий ишлаб чиқариш ускуналари олиб келинди. Янги тармоқ ишга тушгач, ҳар йили 6,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валюта тежаб қолинади. Мато учун буюртмаларнинг ишлаб чиқариш муддати икки баравар қисқаради. Маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннарҳи арзонлашади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида 400 нафардан зиёд маҳаллий ёш ишли бўлади.

— Шу корхонада ишлаётганимдан жуда хурсандман, — дейди назорат бўлими ишчиси Юлдузхон Мўминова. — Корхонада қулай меҳнат шароити яратилган. Ишга келганимда жамоа илиқ кутиб олди. Шу боис, тезда ишга ўрганиб кетдим. Ҳар ойда 1,5 ва 2 миллион сўм маош оляпман.

Ўзингда бор – оламда бор

Бугун Ўзбекистон катта қурилиш майдонига айланган. Албатта, бунинг учун жуда кўп қурилиш материаллари – ғишт, цемент, арматура, ёғоч, гипс, турли хил сантехника маҳсулотлари керак бўляпти. Бу маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилса яхши, аммо ишлаб чиқарилмаса-чи? Албатта, хориждан валютага олиб келамиз. Бу эса уйларнинг таннархи қимматлашишига сабаб бўлади. Қиммат уйни эса ҳамма ҳам сотиб ололмайди.

Шунинг учун кейинги йилларда мамлакатимизда қурилиш материалларини ўзимизда, маҳаллий хомашёлардан ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиляпти. Бундай маҳсулот ишлаб чиқарганлар рағбатлантириляпти.

Маълумотларга қараганда, юртимизга ҳар йили қарийб 650 минг дона сантехника товарлари хориждан олиб келинади. Хўш, бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқарсак бўладими? Албатта, бўлади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун керак бўладиган барча хомашё ўзимизнинг заминимизда бор. Масалан, Андижон вилоятида кальцит, Самарқандда кварц, Тошкент вилоятида каолин, Қашқадарёда дала шпати ва Фарғонада доломит хомашёси мавжуд. Демак, ўзимизда бу маҳсулотларни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш учун ишчи кучи ҳам, имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Давлатимиз раҳбари шу ой бошида Фарғона вилоятига сафари чоғида вилоятнинг Фарғона туманида қурилиб битказилган "Экокерама" масъулияти чекланган жамияти очилишида иштирок этди ва юртимиз фойдали қазилмаларга бойлиги, лекин улар асосида тайёрланадиган материаллар катта миқдорда четдан келтирилаётганига эътибор қаратди.

— Шунча имконият бўла туриб, биз кимни боқяпмиз? Халқимизни боқсак бўлмайдими? — дея ҳақли савол қўйди Президент. — Мамлакатимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир бойлиги аҳоли жон бошига даромадни кўпайтиришга хизмат қилиши керак.

Лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ доллари бўлган "Экокерама" МЧЖ йилига 500 минг дона 20 турдаги сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бошқача айтганда, айни пайтда хориждан келтирилаётган маҳсулотлар катта қисмининг ўрнини қоплайди. Бундан ташқари, минтақамиз давлатларида 50 миллион долларлик бозор бор. Демоқчиманки, Туркия, Хитой ёки бошқа узоқ давлатлардан сантехника буюмларини олиб келишдан манфаатдор эмас. Хуллас, корхонанинг келажаги порлоқ. Фақат ишни тезроқ бутунлай йўлга қўйиш, хорижникидан қолишмайдиган, керак бўлса уларникидан ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш лозим.

Катта майдонни эгаллаган "Экокерама" масъулияти чекланган жамиятига кириб борганимизда иш авжида эканлигига гувоҳ бўлдик. Бир томонда унитазлар, яна бир жойда роковиналар қолипларга қуйилмоқда. Маълум жараёндан сўнг улар пишириш цехига ўтказиляпти...

— Режаларимиз улкан, — дейди корхона раҳбари Муҳаммадсодиқ Зикриллахон ўғли. — Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулотларимизнинг 60 фоизини экспортга йўналтиришни мўлжаллаб турибмиз. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, 100 фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланиши ҳамда уларни ишлаб чиқаришда энергия тежовчи технологиялар қўлланилиши туфайли бизнинг маҳсулотларимиз хорижий муқобилларига нисбатан анча арзон.

Корхонага 11 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилган. Айни дамда бу ерда 500 киши иш билан банд, тест режимида дастлабки буюмлар тайёрланмоқда. Июль ойидан маҳсулот сотувга чиқарилади.

Шу ўринда яна бир қулайликка тўхталиб ўтсак. Корхона жойлашган ҳудуд яқинида янги замонавий уйлар қурилган. Бу дегани ишчилар ҳам шу ернинг ўзидан чиқади. Автобус билан атрофдан ишчиларни йиғиб келиш ҳам шарт эмас. Хуллас, корхонанинг ишга тушиши, бир томондан мамлакатимизда сантехника маҳсулотларига бўлган талабни қондирса, иккинчи томондан, шу атрофдаги аҳолини иш билан таъминлаяпти.

Президентимиз тақдимот маросимида вилоят ва туман раҳбарларига келгусида бу корхонани кластерга айлантириш, тадбиркорга карьерлар ажратиб бериб, камида 30 йиллик хомашё захираси билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Корхонага маҳсулотларини сотишда кўмаклашиш, хусусан, қурилиш материаллари бозорларида дўконларини ташкил этиш, давлат томонидан қурилаётган объектларда бу сантехника буюмларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ўз навбатида, компания раҳбариятига маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, бошқа вилоятларда ҳам шундай корхоналар очиб, янада кўп ёшларни иш билан таъминлаш тавсия қилинди.

БИЛИМЛИ МИНГНИ ЕНГАДИ

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қайси мамлакатда билимли одамлар кўп бўлса, ўша мамлакатда тараққиёт, ривожланиш бўлади, халқ фаровон яшайди. Шу боис сўнгги йилларда республикамизда ҳам халқ таълими ва олий таълимга катта эътибор қаратиляпти. Ихтисослашган махсус мактаблар, дунёнинг кўплаб нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари, бўлимлари очиляпти. Бу билан бизга дунё таълим тизимидаги ютуқлар, ўзига хосликлар кириб келяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги қарорига мувофиқ, Фарғонада ташкил этилган Ўзбекистон — Корея халқаро университети ҳам ёшларимизни дунё фани ютуқларидан баҳраманд қилиш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардан бири бўлди. Бу ерда ўқитиш тўлов-контракт асосида илғор ўқув режалари ва дастурлари бўйича ўзбек, корейс ва инглиз тилларида олиб борилади.

Тугаётган ўқув йилида университетнинг биринчи курсида 720 нафар йигит-қиз таълим олди. Ўқув юрти 4000 талабани қабул қилиш имкониятига эга. Ёшларга таълим бериш учун Жанубий Кореядан 11 нафар тажрибали педагог жалб қилинган. Яқин йилларда улар сони 43 нафарга етиши кутиляпти.

Жорий йилда 10 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция эвазига мазкур халқаро таълим даргоҳи учун янги бино қурилди. Президентимиз Фарғонага сафари чоғида бу ерга ташриф буюриб, университет ректори Пак Жун Ху ва кореялик ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ўқув дастури ва мазмуни, ёшларнинг фанларни ўзлаштириши билан қизиқди.

Мазкур халқаро университетда ўзбекистонлик ёшлар машинасозлик муҳандислиги, келажак автомобилсозлиги инжиниринги, электротехника ва электроника муҳандислиги, архитектура муҳандислиги, компьютер муҳандислиги, энергетика ва кимё муҳандислиги бўйича малакали мутахассис бўлиб етишади. Шунингдек, туризм менежменти, мактабгача таълим, менежмент ва компьютерлаштирилган бухгалтерия ҳисоби, корейс тили ва адабиёти фанларини ҳам ўрганишади.

***

Фарғона вилоятида 4 миллион нафарга яқин аҳоли яшайди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2020 йилда қарийб 44 триллион сўмга яқинлашиши кутиляпти. Ҳунармандлар билан қўшиб ҳисоблаганда, бугун фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар сони 59 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Вилоятдаги ижтимоий фаол аҳоли 1,7 миллион нафар атрофида, йилига меҳнат бозорига ўртача 62-63 минг нафар ёш кириб келяпти. Уларни иш билан таъминлаш учун кўплаб янги корхоналар очиш, иш ўринлари ташкил этиш лозим.

Илгари вилоятда жами 80 миллион долларлик пахта толаси хомашё сифатида сотилган бўлса, бу йил қарийб 314 миллион долларлик шундай маҳсулот экспорт қилинади. Бу кўрсаткични 2021 йилда 540 миллион долларга, келгусида 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Пресс-тур якунида вилоят ҳокими Шуҳрат Ғаниев журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гапирди.

Фарғонада ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда. Пресс-тур давомида биз бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Изоҳли луғатларни ҳар қандай тилнинг бош луғати дейиш мумкин, чунки уларда сўз маъносининг тавсифи билан бир қаторда сўзнинг келиб чиқиши, тўғри ёзилиши, тарқалиши, услубий нозикликлари, фонетик-маъновий тадрижи, ўз ёки бошқа тиллардан ўзлашганлиги, ҳудудий мансублиги каби жиҳатларга дахлдор маълумотлар ҳам ўрни билан жой олади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 30 июнь, 119-сон

ТИЛИМИЗ ХАЗИНАСИНИНГ КЎЗГУСИ

Низомиддин МАҲМУДОВ,

Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор:

— Ўз тараққиётининг тамомила янги босқичига дадил қадам қўяётган мамлакатимизда барча соҳаларда бўлаётгани каби давлат тилининг ўрни ва нуфузини ошириш борасида ҳам туб бурилиш жараёнлари бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу борада қилинадиган кўламли ишларнинг тўлақонли тарҳини чизиб берар экан, бу ишларнинг пировард натижаларини қуйидагича ифода этди: "Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим". Ҳар бир фуқаронинг онгу шуурида ана шу қоиданинг саломатлиги ва собитлиги юрт юксалишининг ҳам, мамлакат мустақиллиги муҳофазаси мунтазамлигининг ҳам гаровидир.

Мазкур тарихий нутқда таъкидланганидек, "дунёдаги қадимий ва бой тилларидан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир". Албатта, бу бебаҳо бойлик, буюк қадрият миллий ўзликнинг асрий илдизлари сифатида ўзбек қавмининг она тили сифатида ўзбекнинг миллий-маънавий дунёсини чароғон қилиб турса, давлат тили сифатида кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари қалбига бир давлатга, бир юртга мансублик, бирдамлик туйғуларини жойлайди, уларни ягона давлат рамзи саналмиш байроқ, герб, мадҳия каби муқаддас тимсоллар сингари бир юртнинг садоқатли фарзандлари ўлароқ бирлаштиради. Айтиш мумкинки, ана шу маънода ўзбек тили Ўзбекистонда фақат бир эмас, балки икки ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий вазифани бажармоқда, ана шундай залворли ва муаззам вазифаларни елкасига ортмоқлаган ҳолда такомил йўлларидан жадал одимламоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг 21 октябрь куни имзолаган "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоминнинг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тўла-тўкис жорий қилиниши учун тегишли чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилган, мазкур мақомнинг мунтазамлиги учун давлат ва бошқа ташкилотлар, фуқароларнинг масъуллик интизоми кўрсатилган. Айтиш жоизки, бир неча ўн йиллар давомида тилимиз ривожи борасида жонлана олмаган воситалар фаол ва самарадор ҳаракатга келди. Ҳукуматимизнинг бу борадаги ишларни жадаллаштиришга қаратилган бир қанча қарорлари ва аниқ режалари тасдиқланди, яна бир қанча режаларга тартиб бериш устида иш олиб борилмоқда.

Беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"ни такомиллаштириш ва нашр этиш мазкур режаларда белгиланган муҳим ишлардан бири эди. Француз адиби Анатоль Франснинг "Луғат алифбо тартибидаги бутун оламдир", деган гапи асло муболаға эмас. Луғатлар — дунё, жамият ҳаётининг ойнаси, зотан, тилнинг сўз бойлиги бениҳоя сезгир барометр сифатида халқ ҳаётидаги ҳар қандай ўзгаришларни акс эттиради. Шунинг учун ҳам энг қадимги даврлардан бошлаб дунё тилшунослик тафаккури тарихида луғат ва луғатчилик дейиладиган фаолият алоҳида ўрин тутади. Айниқса, Шарқда луғат тузишдай савобли юмушга катта ҳурмат билан қаралган. Бу ўринда аҳли олам эътирофини қозонган Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби кўплаб улуғ алломаларимиз номини ифтихор билан тилга олиш мумкин. Мамнуният билан айтиш лозимки, бизда луғатчилик анъаналарининг илдизлари беҳад қадим ва бақувват.

Албатта, луғатларнинг барча турлари тил тараққиёти ва муҳофазасида муҳим, аммо улар орасида изоҳли луғатларнинг ўрни ва аҳамияти фавқулодда ўзгачадир. Изоҳли луғатларни ҳар қандай тилнинг бош луғати дейиш мумкин, чунки уларда сўз маъносининг тавсифи билан бир қаторда сўзнинг келиб чиқиши, тўғри ёзилиши, тарқалиши, услубий нозикликлари, фонетик-маъновий тадрижи, ўз ёки бошқа тиллардан ўзлашганлиги, ҳудудий мансублиги каби жиҳатларга дахлдор маълумотлар ҳам ўрни билан жой олади. Тилдаги ҳар қандай сўз, асосан, уч йўл билан юзага келади ва тилнинг бойиб-рангинлашиб боришига хизмат қилади. Бу уч йўлни маърифатпарвар бобомиз Фитрат бундай тавсифлайди: "Дунё ўзгариб турадир. Ҳаёт кундан янгилашиб борадир. Юз йил бурунги ота-боболаримизнинг тушларига ҳам кирмаган бир кўб ҳодисалар, нарсалар майдонга чиқиб турадир. Булар учун янги-янги отлар тақаш лозим бўладир. Биз буларнинг отларини ё янгидан ясаймиз (*учғич, уюшма, бошқарма* каби), ёхуд ётлардан олармиз (*электрик, телефон, пойизд* каби), ё унутилиб кетган эски сўзларимизни янгидан тиргизамиз (*қурултой* каби). Шу уч йўл билан тилимизга янги сўзлар киргизиш қабул этмасак, тилимизни бойимоқдан тўхтатган бўламиз ("Адабиёт қоидалари" асари)." Бу уч йўл у ёки бу тарз ёки йўсинда изоҳли луғатларда ўз тажассумини топади. Айни пайтда тилдан тўғри ва мақсадга тамомила мувофиқ фойдаланишда, матн мазмунини тўла ва теран англашда, луғатларнинг, хусусан, изоҳли луғатларнинг ўрни қиёссиздир. Бунинг устига, айниқса, изоҳли луғатлар тилнинг тараққиёт даражасини ҳам тугал тасаввур қилиш имокниятини ҳам беради. Ана шу мулоҳазалар инобатга олинса, изоҳли луғатни бошқа луғатлар учун ҳам она луғат дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам изоҳли луғатнинг дунё луғатчилигидаги салмоғи айричадир.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти буюртмаси асосида Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нашр этилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" қадим ва бой тилимизнинг кўркли хазинасининг кўзгуси сифатида унинг ривожу камолоти учун хизмат қилади.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари ҳукумат томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, шу йил охирига қадар мазкур 5 жилдли изоҳли луғатнинг лотин алифбосидаги тўлдирилган варианти, "Давлат тилида иш юритиш", "Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий терминлари изоҳли луғати", "Халқаро терминоэлементларнинг изоҳли луғати", "Ўзбек тилининг имло луғати" каби ўнга яқин китобнинг нашрини амалга ошириш устида иш олиб бормоқдалар.

Албатта, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп, қадимий ва бой тилимизнинг бетакрор имкониятларини тўлиғича инкишоф қилувчи хилма-хил тадқиқотлар, илмий-оммабоп нашрлар, ўқув адабиётларига эҳтиёж катта, турли соҳаларга оид луғатлар, қомусий адабиётлар яратишни ҳам даврнинг ўзи талаб қилиб турибди. Ҳар бир зиёли жамиятимизда, айниқса, ёшларимизда теран тил туйғуси ва рост сўз севгиси барқарорлашмоғи учун масъул эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Ана шундай туйғу ва севги Ватанга бўлган адоқсиз муҳаббатнинг бешигидир.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори, профессор:

— "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг тўлдирилган ҳолда қайта нашр этилиши ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ва нуфузини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Қайта нашрда 3000 га яқин бирликнинг қўшилиши луғатнинг илмий-амалий қийматини янада оширган. Янги нашрда айрим сўзлар имлосининг тузатилганлиги, лексема маънолари изоҳига аниқлик киритилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Луғатда омоним сўзларнинг рим рақамларида алоҳида ажратиб берилиши ўзбек тилининг миллий корпусини шакллантиришда амалий аҳамиятга эга. Кўп маъноли сўзлар изоҳи ўзбек тилининг тезаурус луғатларини яратишда асосий материал вазифасини ўтайди.

Хуршид РЎЗИЕВ,

Ички ишлар вазири маслаҳатчиси:

— Тилнинг энг асосий манбаи, бойлиги эса сўз. Луғатлар эса сўзларни ўзида жамловчи бебаҳо хазинадир. Айниқса, изоҳли луғатлар тил учун, миллат учун ниҳоятда катта қимматга, аҳамиятга эга. Чунки улар ўзида бир қанча луғатларнинг хусусиятини жамлайди.

Шу маънода яқинда "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" янгидан нашр этилгани мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Беш жилдли, тузатилган, тўлдирилган ушбу луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикма, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид термин, шевада қўлланадиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олган.

Тўғри, луғат, биринчи галда, сўз ва турғун сўз бирикмаларининг маъноларини изоҳлайди, мисоллар ёрдамида далиллайди. Аммо биз бежиз изоҳли луғатни анчайин универсал хусусиятга эга демадик. Чунки беш томлик янги нашрда жуда кўплаб фразеологик ибораларнинг, шевага хос сўзларнинг, тарихий атамаларнинг ҳам маънолари изоҳланган. Сўзлар амалдаги имло қоидаларига риоя этилган ҳолда ёзилгани учун ундан имло луғати сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Луғатнинг бевосита ўзимизнинг соҳа билан боғлиқ жиҳатларига тўхталадиган бўлсам, унда ички ишлар органлари тизимига оид кўплаб атамалар қайд этилган. Вазирлик тизимидаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзишда ушбу бебаҳо хазинадан унумли фойдаланадилар, деб ўйлайман. Соҳага доир иш юритишда луғатнинг нақадар катта аҳамиятга эга экани ҳақида эса гапириб ўтиришга ҳам ҳожат бўлмаса керак.

Ички ишлар органларининг аксар хизматлари ходимлари бевосита аҳоли билан ишлайдилар. Улар учун хушмуомалалик, чуқур билим, пухта амалий кўникма билан бирга нотиқлик қобилияти ҳам сув ва ҳаводек зарур.

Соҳа вакиллари қанчалик сўзга чечан бўлсалар, мақолу ибораларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата олсалар, ҳамсуҳбатларига шунчалик ижобий таъсир кўрсата биладилар. Нутқ маданиятининг асосида эса сўз бойлиги ётади. Сўзу ибораларнинг макони, сандиғи эса изоҳли луғатдир. Тақдимот маросимида луғатнинг лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидаги нашри кузда босмадан чиқиши айтилди. Бу айни муддао бўларди. Чунки ёшларимиз ҳам ундан самарали фойдаланиш имконига эга бўлишади.

Луғат тузиш ниҳоятда машаққатли иш ҳисобланади. Таниқли шарқ тилшуносларидан бири ярим ҳазил, ярим чин маънода "жиноятчиларни жазолаб ўтирма, уларни луғат тузишга мажбурла", деган экан. Шу маънода тилимизнинг бойлигини кўз-кўз қилган, беш томлик ушбу луғатни тузган олимларимизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Зулхумор ХОЛМАНОВА,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори:

— "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" қайта нашри илмий-амалий йўналишдаги китобхонлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Луғат филология йўналишидаги бир қатор тадқиқотлар учун материал вазифасини ўтайди.

Ўзбек тилидаги фаол сўзларни аниқлашда, кўп маъноли сўзларнинг семантик қирраларини, омоним сўзлар моҳиятини ёритишда аҳамиятли. Изоҳли луғатда фаол қўлланадиган диалектал сўзларнинг изоҳланиши ўзбек тилининг луғат бойлиги, адабий тилдаги сўзларнинг шевалардаги муқобилларини акс эттиришда аҳамиятлидир.

Ориф ТЎХТАШ,

"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир:

— Юксак ифтихор билан айтиш мумкинки, шу кунларда миллатимиз кўзгуси дея таърифлайдиганимиз — ўзбек тилининг софлигини сақлаш ва унинг луғат бойлигини ошириш, барча соҳаларда қўлланиб келинаётган замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш борасида яна бир дадил қадам қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан Фанлар академиясининг бир гуруҳ олимлари томонидан янги нусхадаги ўзбек тилининг изоҳли луғати яратилди. 5 жилддан иборат мазкур қўлланма ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган саксон мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларига оид терминлар, шевада қўлланиладиган сўзлар, тарихий атамаларни ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтганда, юрагида миллий ғурури бор ва ўзлигини унутмаган ҳар бир ватандошимиз учун бу жуда қувончли воқеалардан биридир.

Ростини айтиш керак, она тилимиз олдида барчамиз бироз хижолатли эдик. Негаки, мустақил бўла туриб, энг муҳим вазифамизни негадир пайсалга солиб келдик, "эрта"га ташладик. Аммо бугун она тилимизга қайтдан юксак ҳурмат кўрсатила бошланди. Бу борада кўплаб қарор ва фармойишлар қабул қилинди, хайриятки, ярашиқли ишларимиз бўй кўрсата бошлади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбари: **"Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булоғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир"**, деган эди. Бу сўзни қалбан ҳис қилган киши ўзи учун катта мажбурият олиши муқаррар!

Муқовасига зарҳал битиклар билан "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" деб ёзилган мазкур китоблар жамланмаси ҳар бир ўзбек хонадонида бўлиши керак ва севимли шоиримиз Сирожиддин Саййид тили билан айтганда, **"...менинг борим сен биландир, йўғим сен билан, катта йўлга чиққан улуғ карвоним, Ватан!"** дея қўлга олинмоғи лозим.

Хуллас, бу борада айтадиган гапларим кўп. Сўзимни қисқа қилиб, **Ўзбегим Китобини** меҳр билан варақлашга тушаман. Алифбо тартибида берилган сўзларнинг дастлабкиларига кўзим тушади: **АБАД, АБАДИЙ, АБАДИЙЛИК...** Ногоҳ бу сўзлардан кўзларим "сув ичади", лабларим беихтиёр пичирлайди: **"Сени абадулабад эъзозлаймиз, эй, онажон тил!"**

5 жилддан иборат улкан ва шу билан бирга кўркам қўлланмани қабул қиларкамиз, тақдимот тадбири иштирокчиларидан бири китобнинг залворидан гапириб қолди. Дарҳақиқат, **БУ ЮК — БИЗНИНГ БУЮКЛИГИМИЗ**дан дарак эди гўё!

Нигора МИРЗАЕВА,

Олмазор тумани ҳокими маслаҳатчиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижтимоий ҳамда сиёсий ҳаётимизда ғоят муҳим воқелик бўлди, шунингдек, ушбу сананинг Ўзбек тили байрами куни деб эълон қилиниши барчамизни янада қувонтирди.

Бугунги кунда мамлакатимиз демократик ислоҳотлар сари одимлаётган бир даврда тилимизга бўлган ҳурмат, эътибор, унинг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан оширилиши оламшумул аҳамиятга эга воқелик бўлди. Барча тилшунос, адабиётшунос ва мутахассисларни она тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғатини бойитиш, такомиллаштиришга масъулият билан ёндашган ҳолда кенг кўламли ишлар олиб боришига замин яратди.

Айниқса, куни кеча дунё юзини кўрган 5 томлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"нинг янги нашри ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш, тавсифлаш билан бирга, нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилиши, кенг ўқувчилар эҳтиёжини ҳам қониқтириши табиий.

Китобни қўлимга олар эканман, энг аввало, унинг ташқи кўриниши мени ўзига тортди. Сифат жиҳатдан ҳам яхши ишланган нашрни варақлар эканман, луғат ичида терилган марварид сўзлар, изоҳларни ўқиб, хурсандчилигим ортди, она тилимизни ривожлантириш, фаолиятимга янада масъулият билан ёндашиш, миллий-маданий қадриятларимиз қаторида она тилимизнинг кўрки-таровати билан авлодларга етказишда бор куч имкониятимни сафарбар этиш ҳақида ўйладим.

Сўз ва сўз атамаларини ўз ичига олган луғатнинг мобиль иловаси тайёрланганлиги эса, қаерда бўлманг, ундан бемалол фойдалана олиш имкониятини яратади. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти буюртмаси билан тайёрланган ушбу луғат мутахассислар учун энг керакли қўлланма бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, тил — миллат кўзгуси, миллий-маънавий бойлигимиз ҳисобланмиш она тилимизнинг тақдири ва келгуси ривожи учун эса барчамиз масъулмиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1663.
43135 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:45 Топширилди — 01:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru